

ЛЕНИН ЙҮЛИДАН КОММУНИЗМ САРИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН № 36 (7426).
ЧИҚА БОШЛАГАН

23 февраль, 1981 йил

ДУШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

БУЮК РАҲНАМО

МОСКВА. Кремль. Съездлар саройи... Айни соғиналарда бутун планетанинг иттифоқи музоффар Советлар мамлакатининг пойтахтига қаратилган. Ҳарбий Ерост қаласидан ширқий Владивостокка, жанубий Қушқадан шимолӣ Мурманскка жойлашган бепояна она-Ватанимизда яшовчи ҳар бир инсон қалби ўзгача ҳаяжонда. Спассек минорасига ўриланган салобатли соат миллари тарихий дақиқаларга яқинлашмоқда. Зотан бугун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди ўз ишнини бошлади.

Ўтган асрнинг низоҳида таваллуд топган. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг Совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамосига, совет жамияти сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзгича айланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳозиргача кураш ва ғалабанинг шонли йўлини босиб ўтди. Эндилкида у коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг илғор, сингалган, жанговар, садоқатли отрядларидан бирига айланди. Давримизнинг ақлдоқси, ишқидони ва шон-шарафи бўлиши Совет Иттифоқи Коммунистик партияси нуридан жамият — коммунизм кураётган марду-майдон совет халқининг том маънодаги сиёсий раҳбари ва йўналтирувчи кучидир.

Ўз сафарларида 17 миллиондан ортқ коммунистларни бирлаштирган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси куч-қудрати ва энгилмаслигининг манбаи унинг абадий таълимот — марксизм-ленинизм назарияси билан пухта курулганлигида, кенг меҳнаткашлар оmmasи билан чамбарчас боғланганлигида ва маволият бирлигидадир. У халқ билан ишайди, халқнинг бутун талаб ва эhtiжажларига дарҳол жавоб беради. Шу сабабдан ҳам партия режалари — халқ режалари, халқ режалари — партия режалари, деб юрматилди.

Духиймиз В. И. Лениннинг «Олга қараб бориш керак, олдинга қараш керак, съездга жуда пухта ўйлаб чиқилган ва барча партия аъзоларининг биргалишида меҳнат қилиши, биргалишида куч-ғайрат қўратиши орасида юзата келган амалий тажриба билан, ҳужалик қурилишининг яхшилаб, қайта ишланган амалий тажрибаси билан келиш керак», — деган васийатларига амал қилган ҳамма коммунистлар, бутун совет халқи жоноқлар партиямиз ва халқимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеа — КПСС XXVI съездини барча жаҳонларда муносиб кутиб олдилар. Шу кунларда съезд номиди сон саноксиз қол-қотилардан келётган қалла рапортлари, таъриқ мактублари бунинг гувоҳиди. Миллион-миллион диллардан отилиб чиққан самимий таънаққурномалар совет кишилари меҳнат ва сиёсий активлигининг беҳисс ўсталлигиндан далолат бери-моқда. Бу хат-хабарларда партиямиз учки ва таъқиқ сиёсати қизғин қўллаб-қувватламда, партиямизда ўзаро ҳурмат, ўртоқлик, юксак ишонч, партиявий принципаиллик ва талаб-чанлик сингари соғлом сиёсий назият вужудга келтирилганлиги учун барча меҳнаткашлар номидан КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига ва шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга чексиз миннатдорчилик ҳис-туйғулари из-дор этилмоқда.

Тошкент области коммунистлари бутун меҳнат аҳли, сер-қуён республикамизнинг барча меҳнаткашлари каби КПСС XXVI съездини муносиб тарзда, янги-янги меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар. Областимиз индустрияси, қишлоқ хўжалиги ва маданияти барқ уриб яшайди, меҳнаткашларининг турмуш даражаси янада фаровонлашди. Партия ташкилотлари сон ва сифат жиҳатдан ўсиб, уларнинг омма билан алоқаси янада мустаҳкамланди, ташкилотчилик ва жанговарлик қобилиятлари ошди. Янги шаҳарлар, районлар, қишлоқлар, саноат объектлари ва хўжаликлар барпо этилди.

Учинчи беш йилликда КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қўйган ҳамма асосий сиёсий ва социал-иқтисодий вазифалар муваффақиятли адо этилди. Беш йил мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1.3 баравар, меҳнат унвдорлиги 19 процент қўнайди, пландан таъқари 657 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Капитал қурилиш кенг қўламда олиб борилди. Тўққизинчи беш йилликдаги нисбатан 27 процент қўп капитал маблаглар ўзлаштирилди. 7.2 миллион квадрат метрга яқин уй-жой, қўпгина мактаб, шифохоналар, фан ва маданият муассасалари, маънавий хизмат пунктлари фойдаланиш учун топширилди. Енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 20 процент ортди.

Областимизда «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик», «XXVI съездга — 26 зарбдор ҳафта», «Сифат беш йиллигига — илчи қафолоти», «Қолоқлариз, самарали, юксак сифат билан ишлайлик», «Еш илчи мураббийга тенг-лашини», «Мажбурийат олдинкиги, бақари! кўп широрлар остидаги социалистик мусобақалар кенг ёйилди. Бир беш йилликда икки беш йиллик топширининг бақариш таъабубсиз оммавий тус олди. Областимизнинг 5.5 мингдан зиёд меҳнат-каши шахсий икки беш йиллик планини адо этганлиги ҳақида рапорт берди.

Саноат ишлаб чиқаришининг тараққиётида ёришилган ютуқлар коммунист ишчилар, инженер-техник мутахассислар, новаторлар, рақонализатор ва ихтирочилар икжодий актив-лигининг, ишлаб чиқариш резерва ва саморазияларидан тўла-қўп фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорларини ошириш учун социалистик мусобақанинг янада кенг қанот ёзганлиги-нинг икжодий натижаси бўлди. Улар иқтисодий ва маданий қурилишнинг олдинги сафларидан бориб, бевосита халқ орасида иш қўйдилар. Улар ўзларининг ҳамма тадбирларини партия сиёсати билан, омманинг жоили ижоди билан, ҳўжа-лик-сиёсий ҳамда гоаяий-тарбиявий вазифалар билан боғлаб олиб бордилар.

Партиямиз ленинча аграр сиёсати изчил амалга оширил-ганлиги, қишлоқ хўжалиги ҳодимларининг қаҳрамонона меҳ-натлари тўғрйи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишти-риш унинг беш йилликда ўтган беш йилликдаги нисбатан 24 процент қўнайди. Беш йиллик планга қўшимча 182 минг тонна пахта, 42 минг тонна қанош, 196 минг тонна дош, 7 минг тонна сабзавот, 8.7 минг тонна гўшт, 74.4 минг тон-на сут, 70 миллион донага яқин тухум, 1589 тонна жуш, 1768 тонна пилла сотилди.

Областимизда қатор юқори ҳосил усталари — пахтакор-лар, сабзавоткорлар, чорвадорлар, маккажўҳориқорлар ети-шиб чиқдилар. КПСС XXVI съездини делегатлари — икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лау-реати, Чиноз районидан Киров номи колхозининг бригада бошлиғи Турсуной Охунова, Бекобод районидан Ленин номи колхоз бригадаси бошлиғи Адолат Рузметова, Ғалаба райо-нидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз механизатори Эшвер Алиев, Оржоникидзе районидан «Коммунист» кол-хозининг бригадаси бошлиғи Тамара Шогинёсова, Тошкент рай-онидан «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сут соғувчи-си Волида Мусаева, Бўка районидан «Ленинбод» колхози бригадаси бошлиғи Инобат Хожиековалар шулар жумласи-дандир.

XXVI съезд арасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, 1980 йилги ва ўзини беш йилликдаги иқтисодий ҳамда социал ривожланиш давлат пла-нини муваффақиятли бақариш учун ўтказилган Бутунитти-фоқ социалистик мусобақаси якунланди. Бу мусобақа нати-жасида областимиз яна КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВПСР ва ВЛКСМ Марказий Комите-тининг Қўшма Қизил байроғини олишга муассас бўлди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Бўка, Калинин районлари ҳамда 19 та меҳнат коллективлари КПСС Марказий Коми-тети, СССР Министрлар Совети, ВПСР ва ВЛКСМ Марка-зий Комитетининг қўшма Қизил байроқлари, эсдалик нишон-лари билан тақдирландилар ва СССР Халқ Хўжалиги Ютуқ-лари Виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат таънаққур» ёзилдилар. Бу юксак мукофотлар мазкур коллективлар аъ-золарини янги-янги зафарларга руҳлантириб юборди.

Ўтган йиллар мобайнида партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаоллиги тобора ахши-лашиб борди. Партия ташкилотлари ўз сафарини КПСС аъзоси деган юксак номин шараф билан оқлай оладиган го-яий чиниққан, сиёсий онгли, обрў-эътиборли кишилар, кол-хозчилар, зиёлилар вакиллари ҳисобига ўстирди. Партия ташкилотлари ленинча иш услубини кунт билан эгалладил-лар, меҳнат коллективларига кун сайин ва конкрет таъсир ўтказдилар, партиявий ишнинг ҳаёт синоидан ўтган шакл-ларини моҳирлик билан қўлладилар, уларни янги-янги таърибалар билан бойитдилар, партия ички демократиясини ривожлантирдилар.

Кейинги йилларда сиёсий-тарбиявий ишлар анча қўчайди. Партия ташкилотлари бу ишнинг мазмунига чуқурроқ ён-дошадиган, гоаяий таъсир қўратишининг барча воситалари-га анча малакали раҳбарлик қилганига бўлиб қолдилар.

Областимиз меҳнат аҳли барча совет кишилари қатори КПСС Марказий Комитетининг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлар-ни тўғрисида партия XXVI съездига лойиҳасини катта кўтаришчилик билан кутиб олдилар ҳамда зўр эътибор ва қизиқиш билан муҳокама қилдилар. Меҳнат коллективлари-да лойиҳа муҳокамасига бағишланган 6 мингдан зиёд йи-ғилишлар бўлиб ўтди. Уларда 500 мингга яқин киши ишти-роқ этди. 30 мингдан кўпроқ коммунист ва партиясиъ ак-тив сўзга чиқиб, ўз таъкиф ва мулоҳазаларини баён этдилар.

«Ҳар бир съезд партиямиз ва мамлакатимиз олдида янги уфқлар очиб берди. Коммунистик қурилишнинг келгуси бо-қичидаги кураш стратегияси ва тактикасини белгилаб бери-ли лозим бўлган булажак съезд ҳам худди шундай бўли-шига аминман» — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезди хусусида сўзлаган нутқида.

Ун биринчи беш йиллигининг беш вазифаси — халқ хўжа-лигини барқарор, тобора ривожлантириш, фан-техника та-раққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривож-лантириш йўлига ўтказиш, мамлакатининг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини ях-шилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишга таъминлашдан иборат. Бунинг иш тушунган бар-ча совет кишилари партиянинг улғувор режаларини тўла-тўқис амалга ошириш учун Ватанимиз бахт-саводати йўлида фидокорона меҳнат қилишга азму-қарор бермоқдалар.

Совет коммунистлари ўзларининг энг катта анжуманига КПСС Марказий Комитети атрофида ҳар қанчонгидан ҳам маҳкам жинслаган, куч-ғайратга тўлган ҳолда келдилар.

Яратувчи, ижодкор совет халқи ўзининг қаҳрамонона меҳ-нати билан партиямиз қўлаган барча улғувор вазифаларни ҳар қанчонгидек зиёдадан билан адо этади, янги беш йиллик топшиқларини ошириб бақаришга таъминлайди. Бу — Совет Иттифоқи коммунистларининг, бутун совет халқининг коммунизм юксак идеалларига чексиз садоқати рамзининг яна бир улғувор намоиши бўлади.

Яшасин барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва ил-ҳомчиси, коммунизм меъморини — Совет Иттифоқи Комму-нистик партияси! Яшасин тинчлик ва коммунизм!

БИЗ ИЛГАРИГИ ТАЖ-РИБАМИЗ НАТИЖАСИДА

ҲОСИЛ БЎЛГАН МОҲИР-ЛИГИМИЗ БИЛАН ҚАНО-АТЛАНМАСДАН, АЛБАТ-ТА ОЛГА ҚАРАБ БОРИ-ШИМИЗ, АЛБАТТА КўП-РОҚ НАТИЖАЛАРГА ЭРИША БОРИШИМИЗ, АЛБАТТА ЕНГИЛРОҚ ВА-ЗИФАЛАРДАН ОҒИРРОҚ ВАЗИФАЛАРГА ЎТА БО-РИШИМИЗ КЕРАК.

В. И. ЛЕНИН.

ҲАР БИР СЪЕЗД ПАР-ТИЯМИЗ ВА МАМЛАКА-ТИМИЗ ОЛДИДА ЯНГИ УФҚЛАР ОЧИБ БЕРДИ. КОММУНИСТИК ҚУРИ-ЛИШНИНГ КЕЛГУСИ ВОС-ҚИЧИДАГИ КУРАШ СТРА-ТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКА-СИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРИ-ШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БУ-ЛАЖАК СЪЕЗД ҲАМ ХУД-ДИ ШУНДАЙ БЎЛИШИГА АМИНМАН.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Тежалган металлдан

Тошкент экскаватор заво-ди коллективи КПСС XXVI съезди шарафига олган социалистик мажбуриятини му-ваффақиятли бақариш! Бун-га қорхона комсомол-ёшлари ҳам муносиб ҳисса қўшди-лар. Улар мамлакатимиз коммунистларининг улкан анжумани очиладиган кунга-ча битта экскаватор йиғишга етадиган металл ва бошқа материалларни тежашга аҳд қилишган эди. Унинг улдаси-дан чиқиш учун барча имко-ниятлардан фойдаланишди, ҳар бир ишлаб чиқариш опе-рациясида материалларни те-жаб-тергаб сарфлашга алоҳи-да эътибор бердилар. Шу-нинг учун ҳам еш ишчилар мажбуриятларини бақариш-ди. Тежалган металллар, ма-териаллар ҳисобига битта қудратли экскаваторни йи-ғишди.

Кунга кеча бўлиб ўтган тантанали йиғилишда бу қуд-ратли агрегат Сирдарёда ян-ги ерларни ўзлаштираётган, ирригация шохобчаларини бунёд этаётган механизатор-ларга тортиқ қилинди.

Бугун Ватанимиз
пойтахти Москвада
Совет Иттифоқи
Коммунистик Пар-
тиясининг XXVI
съезди очилади.



КПСС XXVI съезди ша-рафига кенг қўлчи ёнган Б-утуниттифоқ социалистик му-собақасига актив қўшилиш ил-гори сут соғувчиларимиз ва таърибали молбоқарла-римиз коммунистларнинг олиё анжумани очиладиган кунгача ўзларининг шахсий квартал планларини бажа-риш мажбуриятини олган эдилар. Қўпчилик ҳамкасб-ларим қатори мен ҳам ўзим-га бирктилган молларни планда белгиланган 100 кун ўрнига 80 кунда семирти-

ВАЪДАНИ
БАЖАРДИК

риб, гўштга топиришга аҳд қилган эдим.

Совхозимиз фермасида молларни бўрдоқига боқши-ни ана шундай интенсив усулда олиб бориш учун етарли шаронт вужудга кел-тирилган. Қўлай шаронтлар-да меҳнат қилаётган сут со-ғувчиларимиз ўз ваъдалари-

ни шараф билан адо этмоқ-далар.

Ҳозирги кунда мен ўз бо-қимидан 65 бош қорамолин тўйимли район асосида пар-варши қилиб, кунга ўрта-ча 900 граммдан семирти-ришга эришмоқдаман. Бу эса ваъдамни муддатидан илгари ошириб бақариб, съездин ёруғ юз билан ку-тиб олиш имкониятини бер-ди.

О. ОЧИЛОВ,
Бекобод районидан А.
Мавлонов номи совхоз
чорвадори.

ПАРТИЯ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Заррадан йўғрилур қудратли тоғлар,
Катрадан денгизлар бўғуллар пайдо.
Ватанда барқарор бахтиёр чоғлар
Барчаси сендандр, улуг раҳнамо.

Партиям, Ватаниннг ҳаёт биносин
Офтобдай сарбаланд этолган меъмор.
Сиймонда кўрамиз Ленин сиймосин,
Ҳар сўзинг зафарга чорловчи шпор.

Биз ижод шавқидан улғайган авлод,
Иқболга бошлайди мунаввар йўллар.
Биз ҳаёт борини этганмиз обод,
Юксалди шаҳарлар, яшнади қўллар.

Ишонлик шарафи бизда энг азиз,
Олийдир мақсадлар, фикру туйғулар.
Биз дўстлик байроғини баланд тутамиз,
Амал тошгай ундан азгу туйғулар.

Партиям — Ватаниннг қалб, иродаси,
Ўйлайди инсоннинг порлоқ қамолини.
Унинг ҳар бир сўзи — дил ифодаси,
Кўрамиз келажак иураи жамолини.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.



Бугун Ватанимиз пойтахти Москвада очиладиган КПСС XXVI съездида қатнашадиган делегатларимизни Тошкент вокзалида куза тили пайти.

А. Абалин фотолари.

